

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДЖИБАЕВА НОДИРА РУЗИЕВНА

**ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ХУДУДЛАРИНИНГ
МУҲАНДИСЛИК-ГЕОЛОГИК ШАРОИТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШ
ҚОНУНИЯТЛАРИ (БУХОРО ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Таджибаева Нодира Рузиевна

Ғарбий Ўзбекистон шаҳарлари худудларининг муҳандислик-геологик шароитларини шаклланиш қонуниятлари (Бухоро шаҳри мисолида)..... 3

Таджибаева Нодира Рузиевна

Закономерности формирования инженерно-геологических условий городских территорий Западного Узбекистана (на примере г.Бухары).....19

Tadjibaeva Nadira Ruzievna

Regularities of formation of engineering and geological conditions of urban areas of the west part of Uzbekistan (on the example of Bukhara).....35

Эълон қилинган ишлар рўйҳати

Список опубликованных работ

List of published works.....38

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДЖИБАЕВА НОДИРА РУЗИЕВНА

**ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ХУДУДЛАРИНИНГ
МУҲАНДИСЛИК-ГЕОЛОГИК ШАРОИТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШ
ҚОНУНИЯТЛАРИ (БУХОРО ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/GM18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шерматов Мағбур

геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иргашев Юлдашбай Иргашевич

геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Хабибуллаев Ибраҳим Хабибуллаевич

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Ўзбекгидрогеология» ДУК

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а). Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz.

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ сонли тарқатиш баённомаси реестри).

М.М. Пирназаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

Қ.Р. Мингбоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

Қ.Н. Абдуллабеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон амалиётида шаҳар аҳолисининг доимий равишда ўсиши, уларнинг инфратузилмаларини замонавий шаҳарсозлик-қурилиши талабларига мос ҳолда, шаҳарларнинг ҳудудлари муҳандислик-геологик шароитларини ҳар томонлама тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда шаҳарларнинг муҳандислик-геологик шароитларини шаклланиш қонуниятларини аниқлашда муҳандислик геологияси изланишлари муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Дунёнинг ривожланган давлатларида нанотехнология ва энг янги усуллардан фойдаланиб шаҳарларнинг муҳандислик-геологик шароитларини шаклланиш қонуниятларини аниқлашга йўналтирилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан АҚШ, Европа, Россия, Япония ва Хитой каби давлатларда минтақавий геологик омилларни аниқлашнинг умумий тамоил ва усулларига, формацион, структуравий-геологик ҳамда геологик-генетик таҳлиллар асосида грунтли қатламларни турлари ҳудудларида ётқизиқларни таркиби ва хусусиятлари кўрсаткичларининг кенгликларда ўзгаришини аниқлашга алоҳида этибор қаратилмоқда.

Республикада шаҳар муҳандислик-геологияси йўналиши бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида муайян ютуқларга эришилган. Хусусан, шаҳарларнинг муҳандислик-геологик шароитларининг антропоген ўзгаришлари назарияси ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида «...атроф-муҳитга, соғлиққа ва аҳолининг генофондига зарар етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш...»¹ бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борида шаҳарлар ҳудудларида муҳандислик-геологик шароитларнинг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш бўйича турли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур соҳаларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» Фармони.

ривожланишини устивор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқотлар республиканинг фан ва технологиясини ривожлантиришининг VIII – «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика ва минерал хомашёни қайта ишлаш) устивор йўналишлари талабларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муҳандисдик-геологик шароитларнинг ўзгаришларини ўрганиш, шунингдек, янги табиий-техника тизимини шакллантириш ва ривожлантириш билан Россия ва хорижий мамлакатларни кўплаб олимлари – муҳандис-геологлар: Kyoji Sassa, Mowen Xie, Tetsuro Esaki, I.E.Hackett, D.H.Radbruch, I.L.Knill, D.G.Price, R.K.Taylor, E.Fisher, R.L.Shorlock, P.T.Flawn, R.Legget, F.L.Harry, В.Ковальский, Х.Лозиньская-Стемпель, Я.Стохляков, Ф.В.Котлов, Т.И.Подгорная, Г.А.Голодковская, В.Г.Трофимов, О.П.Медведев, Г.Л.Кофф, Ю.О.Зеегофер, Г.С.Золотарев, Т.Ю.Пиотровская, Э.А.Лихачева ва бошқалар шуғулланган ва шуғулланиб келмоқдалар. Ўзбекистонда шахарсозликга хос муҳандислик-геологик шароитларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари бир нечта олимлар томонидан ўрганилди, улардан: Ғ.А.Мавлонов, С.Ш.Мирзаев, А.И.Исломов, Я.С.Садиқов, И.А.Петрухина, А.М.Худойберганов, М.Ш.Шерматов ва бошқаларни таъкидлаш лозим.

Шаҳарлар ҳудудларида муҳандислик-геологик шароитларнинг шаклланишлари маълум бир қонуниятлар билан боғлиқ, бироқ улар етарли даражада ўрганилмаган. Ечимлари шахарсозликни муҳандислик-геологик асослаш усулларини такоиллаштиришда ва геологик муҳитдан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга бўлган шахарларнинг муҳандислик-геологик шароитлари ўзгаришларини баҳолаш ва башоратлашни асосий илмий-услубий принциплари заиф ишлаб чиқилиган.

Мазкур иш оддий табиий омилларнинг таъсирини, шунингдек, инсоннинг муҳандислик-ҳўжалик фаолияти таъсирини инобатга олувчи мажмуавий-тизимий ёндашувлар натижаларига асосланади. Ушбу диссертация иши кенг кўламдаги маълумотлар ва харитаграфик материалларни ўз ичига олган ҳолда, юқорида кўрсатилган муаммоларни анча тўлиқ ва тизимий равишда тадқиқ этишларни тақдим этади.

Диссертация тадқиқотларини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Сейсмология, «ЎзГАНКЛИТИ» ДҚ институтларининг 284-сон «Бухоро шахарнинг тарихий ёдгорликлари ҳудудида геологик муҳитнинг ҳолатини ва ўзгаришларини баҳолаш» (2004-2007 йй.), 298-сон «Ўзбекистон шахарларининг геологик хариталар атласини яратиш» (2004-2006 йй.), 399-сон «XXI асрнинг бўсағасида Ўзбекистон Республикасининг гидрогеологик, муҳандислик-геологик ва экологик-геологик шароитларнинг ўзгаришлари ва ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш» (2014-2017 йй.), ФА-А-7 Т049-сон «Ўзбекистоннинг сейсмик жихатдан фаол ҳудудларида муҳандислик-сейсмологик шароитлар омилларини узоқ муддатли башоратлаш технологиясини ишлаб чиқиш»

(2008-2011 йй.), А14-ФА-0-12949-сон «Шаҳарлар ва саноат объектларини сейсмик жиҳатдан микрорайонлаштиришнинг машҳур технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади техногенезнинг ривожланиши билан боғлиқ Бухоро шаҳри муҳандислик-геологик шароитларининг хусусиятлари қонуний ўзгаришларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хорижда ва Ўзбекистонда муаммонинг ўрганилганлик ҳолатларини таҳлил этиш ва умумлаштириш;

Бухоро шаҳри ҳудудларида табиий омилларни ўрганиш ва уларни ривожланиш қонуниятларини аниқлаш;

техноген омилларнинг асосий турлари ва манбаларини аниқлаш ҳамда уларни шаҳарнинг муҳандислик-геологик шароитларига таъсирини баҳолаш;

техногенез ривожланиши муносабати билан Бухоро шаҳри ҳудудининг сейсмик жадалликларини ўсишга муҳандислик-геологик таркибий қисмларнинг таъсирини ўрганиш;

интегрирланган параметрларни ишлаб чиқиш асосида Бухоро шаҳри ва унга қўшни бўлган ҳудудларини муҳандислик-геологик районлаштиришни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро шаҳрининг муҳандислик-геологик шароитлари ва техносфераси (табиий-техник тизим) танланган.

Тадқиқотнинг предмети Бухоро шаҳрининг геологик муҳити ҳолатини белгиловчи муҳандислик-геологик шароитлар омиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифалар далилий материаллар, дала, лаборатория, камерал муҳандислик-геологик тадқиқотларнинг илмий таҳлиллари, ретроспектив қиёсий таҳлиллар, математик статистика, геоинформацион технологиялар ёрдамида, тадқиқот натижаларига ишлов бериш, хариталаштириш ва районлаштиришни ўз ичига олган усуллар мажмуасини қўллаш орқали ечилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

техногенезнинг ривожланиши шароитларида геологик муҳит компонентларининг қонуний ўзгариши аниқланган;

Бухоро шаҳри ҳудудидаги тупроқларнинг муҳандислик-геологик хоссаларини ўзгарувчанлиги баҳоланган;

Бухоро шаҳри ва унга ёндош бўлган ҳудудларда таъсир этувчи омилларнинг кўп компонентлилигини инобатга олган ҳолда муҳандислик-геологик жараёнларни ривожланиш динамикаси баҳоланган;

Бухоро шаҳри ва унга ёндош бўлган ҳудудларда сейсмик фаолликнинг қийматлари ўзгарувчанлиги аниқланган;

Бухоро шаҳри ва унга ёндош бўлган ҳудудларни замонавий муҳандислик-геологик районлаштиришни таъминлайдиган интеграллашган параметрлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ГИС технологияларини жорий этилиши асосида Бухоро шаҳри худудларининг муҳандислик геологик-шароитлари, техносфера, муҳандислик-геологик районлаштириш, маҳаллий сейсмик хавф даражасини баҳолаш хариталари, геологик жараёнларнинг вақт ичида ривожланиш хусусиятларини инобатга олган холда янгиланган, аниқтирилган ва тўлдирилган;

Бухоро шаҳрининг бош режасини ишлаб чиқиш ва муҳандислик-геологик изланишлар услубиятини асослаш учун хизмат қилиши мумкин бўлган картографик моделлар тузилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг етарлича муфассаллиги (иш масштаби – 1:25000) ва қайта тикланганлигига, далилий материалларнинг катта ҳажмларига (хариталарни тузишга 600 та қидирув, кузатув, эксплуатацион ва муҳандислик-гидрогеологик кудуклар, 1010 та кузатув нукталари асос бўлди) ва лаборатория ишларининг мавжуд бўлган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги; етакчи бўлган ватанимиздаги хорижий илмий журналларда муаллифнинг нашр этилган мақолалари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуйидагиларда жамланган: Бухоро шаҳри худудларининг муҳандислик-геологик шароитларини минтақавий илмий таҳлил қилинганлиги ва баҳоланганлиги, техногенез таъсири остидаги геологик муҳитни ўзини тутиш қонуниятлари аниқланган, хариталар учун таянч қирқимлар ажратилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Геология ва геоахборот тизимлари факультетида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа олий ўқув юртларида кўргазмали материал сифатида, «Муҳандислик геологияси», «Геоэкология» курслари бўйича бакалавр талабалари учун «Геология», «Геофизика», «Фойдали қазилма конларини геомоделлаштириш ва баҳолаш», «Қуруқлик гидрологияси» йўналишларида, магистрларга «Гидрогеология» ихтисослиги бўйича маърузалар ўқиш ва лаборатория машғулотларини ўтказишда фойдаланилаётганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги худудларда намоён этилган муҳандислик-геологик шароитларини шаклланиш хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бухоро шаҳри инженер геологик шароитлари компонентларининг ўзгарувчанлик даражаси ва хусусиятлари «Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти» ДҚда амалиётга жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 22 февралдаги 04/4-сон маълумотномаси). Натижада ўрнатилган қонуниятлар асосан сув босиши, ботқоқланиш, шўрланиш жараёнларининг ривожланиш сабабларини, ҳамда уларни Бухоро шаҳри муҳандислик-геологик шароитларига, архитектура ёдгорликларига,

замонавий иншоотларига салбий таъсир кўрсатишларини аниқлаш имконини берган;

Бухоро шаҳрининг муҳандислик геологик районлаштириш харитаси «Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти» ДҚда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 22 февралдаги 04/4-сон маълумотномаси). Натижада районнинг умумлашган инженер-геологик ҳолатлари моделини тузиш имконини берган;

Бухоро шаҳрининг экологик ва геологик хариталарининг атласи «Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти» ДҚда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 22 февралдаги 04/4-сон маълумотномаси). Натижада Бухоро шаҳрининг муҳандис экологик ҳолатлари бўйича режаларни лойиҳалаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари турли халқаро семинарлар ва конференцияларда – ҳаммаси бўлиб 9 та муҳокамадан ўтган, шу жумладан 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан 8 таси мақолалар, шу жумладан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини босиб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Олий асосатсия комиссияси томонидан тавсия қилинган 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисмидан, тўртта бобдан, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ишининг ҳажми 110 матн varaғини ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва устиворлиги, мақсад ва вазифаларини асослаб берди, иш объекти ва предмети тавсифланди, республиканинг илм-фан ва технологиясини ривожлантиришининг устивор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатиб ўтилди, илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилди, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари, муҳандислик-геологик ишлар амалиётига тадбиқ этиш, чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар очиб берилди

Диссертациянинг биринчи «**Бухоронинг муҳандислик-геологик шароитларини ўрганишнинг илмий-услубий асослари**» деб номланган бобида муҳандислик-геологик шароитларнинг таркибий қисми ҳақидаги билимларнинг тарихи келтирилган. Бугунги кунда МДХ мамлакатларида ва Ўзбекистон Республикасида муҳандис-геологик шароитларни ўзгариши ва шу билан бирга янги табиий-техноген тизимни шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги етарли даражадаги кенг кўламли илмий маълумотлар тўпланган. Бухоро шаҳри худудларида биринчи геологик тадқиқотлар ўтган асрнинг 30-йилларида бошланган (П.М.Васильковский, В.А.Николаев ва б.).

Бухоро шахрининг геологик муҳитидаги техноген ўзгаришларни тадқиқ этишда янги босқич – ўтган асрнинг 80-йилларига тўғри келади ва А.М.Худайбергенов, А.С.Тўраевларнинг ишлари билан боғлиқ. Ушбу муаллифлар томонидан муҳандислик-геологик тавсифлар ва техноген омилларга боғлиқ ҳолда геологик муҳитни ўзгариши; шаҳар ҳудудларида техноген тупроқ ва уларнинг муҳандислик-геологик хусусиятларини ўрнатилди; муҳандислик-геологик жараёнларнинг ривожланиш қонуниятлари намоён этилди.

Хўжаликга хос фаоллашувлар таъсири остида шаҳарнинг геологик муҳитини ўзгариши, ва 30-40 йил аввалги эски тадқиқотлар ишлари факти замонавий шаҳарсозлик талабларига мос келмайди, бунда боғлиқлик даржасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни кенгайтириш, ҳамда Бухоро шаҳри ҳудудларида муҳандислик-геологик шароитларнинг техноген ўзгаришларини баҳолаш вазифаси биринчи даражали аҳамият касб этади.

Иккинчи «**Бухоро ҳудудларининг муҳандислик-геологик шароитларини шаклланиш қонуниятлари**» номли боби асосан, геологик тузилишининг хусусиятларига, энг янги тектоникага ва геоморфологияга, грунтларнинг таркиби ва хусусиятларига, ер ости сувларига, геологик ва муҳандислик-геологик жараёнлар ва ҳодисаларга бағишланади.

Геоморфологик жиҳатдан тадқиқот майдони Зарафшон дарёсининг чиқариш-конусида жойлашган. Шаҳарнинг ўзи Зарафшон дарёсининг III қайир усти террасасида жойлашган бўлиб, юзаси текис, ясси ва жанубий-ғарбийга умумий оғишлар билан. Ҳудуднинг замонавий рельефи тектоник ва экзоген омиллар таъсири остида шаклланган. Шаҳар ҳудудларида ва унга ёндош бўлган ҳудудларда рельефнинг 3 хил генетик турлари ажратилади: аккумулятив-дельтага хос, эрозион-аккумулятив ва антропоген.

Геологик-литологик тузилишининг асосий хусусияти бўлиб, неогеннинг кумтошлари ва юқорида супес ва суглинкалар, қуйида-қумлар, гравий ва шаҳал тошчалар билан тақдим этилган тўртламчи аллювиал-дельта ва аллювиал-пролювиал ётқизикларнинг унча катта бўлмаган қоплами бўлган, алевролитларнинг кенг тарқалиши ҳисобланади. Тўртламчи ҳосилаларнинг умумий қалинликлари 6-30 м ни ташкил этади.

Ер юзасидаги барча объектларнинг асослари бўлиб таркиблари юқори даражада бир турда бўлмаган, кучсиз жипсликдаги, қалинликлари 1 м дан 20 м гача бўлган техноген тупроқлар хизмат қилади. Техноген грунт қопламининг тик қирқимида хронологик кетма-кетликда ётувчи 5 та қатлам ажратилган. Қатламларнинг асосий (60% дан 95% гача) массаси турли қўшимчалар (қуйдирилган ғишт, сопол бўлакчаларидан, суяклар, шағал, тош, ганч аралашмалари кул ва б.) 5 дан 40% га бўлган суглинка ва супеслар билан тақдим этилади. Замонавий юзада юқоридан пастга, қадимий қатламларга қараб қўшимчаларнинг умумий ҳажмларини камайиб бориши, асосий масса нисбатларнинг, бир турлилик даражасининг катталаниши ва тупроқларнинг жипслашиши аниқланади. Техноген грунтларнинг асосий массасидаги гранулометриқ таркибда қумли фракция ўртача 41%,

чангсимонлар – 47%, глиналар 12% ни ташкил этади.

Грунтларнинг физик-механик хоссалари уларнинг катта турларини кўрсатувчи, жуда юқори ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради, юқори сиқилувчанликга ва юқори бўлмаган чўкувчанликга эга.

Барча стратиграфик бўлинмаларда (неоген ва тўртламчи давр ётқизикларида) грунт сувларининг ягона горизонти ҳосил бўлади. Сув таркибли қатламлар гидравлик жиҳатдан бир-бирига ўзаро боғлиқ. Тўртламчи ётқизикларнинг грунт сувлари ер юзасига яқин ётиши билан ажралиб туради. Шаҳар худудларида грунт сувларининг ётиш чуқурликлари 0 дан 11 м гача, бутун шаҳар майдони бўйича устивор бўлган чуқурлиги 1-2 м ташкил этади.

Сувнинг минералланиши юқори, жипс қолдиқининг миқдори 1 дан 5 г/л оралиғида тебраниб туради.

Бухоро шаҳри худудларида кенг тарқалган асосий турдаги муҳандислик-геологик жараёнлар – техноген грунтларни шаклланиши, грунт сувлар сатҳини кўтарилиши, ботқоқлашиш, намланиш ва грунтнинг шўрланиши хисобланади.

Кенг кўламдаги эмперик материалларни ўрганиш асосида кучсиз жипслишган, таркиби юқори даражада бир турда бўлмаган техноген грунтларнинг шаклланиш хусусиятлари; уларни ётиш чуқурликлари ва минераллашув даражаларини айтиб бериш билан, грунт сувларининг ягона горизонти намоён этилди, бу эса шаҳарсозлик учун муҳим маълумотлар рўйхатини тақдим этади.

Учинчи «Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги муҳандислик-геологик шароитлар компонентларини техноген омиллар таъсирида ўзгаришини баҳолаш ва тавсифлаш» номли бобида Бухоро ва қўшни худудларнинг муҳандислик-геологик шароитлари ва техносфера билан ўзаро таъсирининг назарий асослари кўриб чиқилди. Белгиландики, муҳандислик-геологик шароитларнинг қайта ҳосил бўлишида энг катта рол шаҳарсозликга, саноат тармоқларига, ирригацияга, қурилиш индустриясига, ва бошқа техноген таъсирнинг турли хилдаги манбааларига, турларига ва шаклларига тегишли.

Олға борувчи жараёндаги шаҳарнинг ҳаёт фаолиятида ўзлаштириш жалалликлари, кишиларнинг тўпланишлари ва қурилишлар, шаҳар худудларининг ўлчамлари, фаолият турларини сони ортиб борди. Бухорони ривожланишининг турли даврларида аҳоли зичлиги доимий равишда ўсиб борди. Бухоро вилояти аҳолисининг умумий сони ҳозирги пайтга келиб 1,4 млн киши, улар орасида 34,6% (1989 йилга) аҳоли шаҳарларда, 68%и эса қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Қишлоқ яшовчиларининг шаҳарга кўчиб келиши натижасида, Бухоро шаҳрининг аҳолиси сони 2009 йилга келиб кескин ўсди ва 2009 йилда 38,8% ни ташкил этди (А.Б.Мавлонов, 2010 й.), 2017 йилнинг 1 январидан 272,5 минг яшовчидан иборат бўлди.

Шаҳарсозлик VI асрнинг иккинчи ярмида бошлаб ривожланмоқда. Бухоро шаҳрининг худуди нисбатан чекланган (30-35 га). Мусулмончилик кириб келгунгача шаҳар иккита бир-биридан аниқ ажралувчи қисмлардан

иборат бўлган: қалъа ичидаги – қухонгиз ва шаҳарнинг ўзи – шахристон. Шаҳарга кириш тўртта дарвоза орқали амалга оширилган. IX асрнинг ўрталарига келиб шаҳарнинг ўсиб бориши содир бўлди, унда шаҳар қисмларга ажралиб борди ва ўзининг худудий бирлигини йўқотди. Бунда шаҳарнинг учта асосий қисмлари шаклланди: Арк (қалъа), шахристон (ички шаҳар) ва робод (шаҳар атрофдаги ерлар), бунда охиргиси аста-секин жанубий, ғарбий ва шарқий йўналишларда кенгайиб, шаҳар марказига яқинлашиб борди.

1962 йилда янги «идеал» шаҳар концепцияси шаклланди, 250 000 минг аҳоли ҳисобидан шаҳарни кенгайтириш лойихаси ишлаб чиқилди. Бугунги кунда Бухоро шаҳрининг умумий майдони 102 км² ташкил қилади.

Аҳолиси сони 270,6 минг кишидан иборат бўлган Бухоро шаҳрини 2035 йилгача ривожлантиришнинг бош лойихасига мувофиқ (2007 йил 22 январдаги 19-сонли) қурилиш ва хўжалик тадбирларини амалга ошириш ва тахминан 4362,0 дан 9500,0 гектаргача катталаштирилган янги майдонларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Шаҳарнинг амал қилишини кўп асрлик даврларда муҳандислик-геологик соҳасида аҳамиятга молик бўлган ўзгаришларни кузатамиз, булар: рельеф ва гидротўр, геологик тузилишлар, ер ости сувлари, геологик жараёнлардир.

Узоқ вақт давомида *шаҳар рельефининг* шаклланишини ўзига хос хусусияти, ер юзасидаги белгиларнинг юқорилашиш томонга ўзгариш факти ҳисобланади, ер юзаси сатҳининг пасайиши эса унча катта бўлмаган ҳажмларда нуктавий ва чизиқли тарқалиш тавсифларида кузатилади

Шаҳар чегараларида *геологик тузилишини ўзгариши* турли таркибдаги, тузилишдаги ва қалинликлардаги техноген ётқизикларнинг қалин тўпламларини шаклланиши билан келтириб чиқарилган, уларнинг қалинликларини чеккалардан шаҳар марказига умумий ошиб бориши кузатилади (1-20 м). Техноген грунтлар қоплами, бино ва иншоотлар оғирликларидан табиий бўлган гилли грунтларнинг юқори қатламларига статистик зўриқишнинг кучайиши кузатилади. Грунтлар саноат корхоналари участкаларида ишлаб чиқаришнинг зарбли, вибрацион механизмлардан ва транспорт воситаларидан, иссиқлик таъсиридан динамик зўриқишларга дучор бўлади. Грунтлар таркиби ва ҳоссаларини техноген ўзгаришларининг умумий тенденцияси шўрликни (ўртача 1-1,5% га), намликни (ўртача 8-9% га), ортиши, жипслиликни, ғовакликни пасайиши (ўртача 1-3% га) ва меъёридан ортиқ намлик сабабли, пишиқлигини пасайишларида намоён бўлади. Техноген ўзгаришлар тўртламчи давр ётқизикларининг деярли бутун қалинликлари бўйича тарқалади (6-30 м). Техноген грунтлар таркибини ҳар хиллиги ва деформацион-чидамлилиқ хоссалари ноқулай муҳандислик-геологик шароитни яратилишида асосий сабаб бўлиб ҳисобланади. Грунтларнинг ушбу хусусиятлари билан бино ва иншоотларнинг катта нотекикликдаги чўкишлари ва кичрайиб қолишлари боғлиқдир (Сомоний, Боҳазарий, Мирзо Улуғбек мақбаралари, Кўкалдош мадрасаси ва бошқалар).


Гидрогеологик шароитлар. Сув элитувчи коммуникацияга бой бўлган

худудларда катта қисмлардаги қурилишларда уларнинг фойдаланиш шароитларини бузилишлари ва қувур ўтказгичларни коррозияси туфайли сувни сирқиб оқишига йўл қўйилади. Ирригация каналлари, сунъий қўллар, суғориладиган майдонлар, шаҳарнинг сув ўтказувчи коммуникацияларидаги сирқиб оқишлар туфайли сувнинг йўқотилишини умумий инфильтрацион ҳажми йилига 40 млн. м³ дан ошади. Техноген ётқизиқларнинг қалин қатламларида секин-аста янги сув таркибли горизонт шаклланади, унинг сатҳи вақти келиб, сув босишни келтириб чиқарган ҳолда, юқорилашади (1-2 м). Атмосфера ёғинларини турли ҳилдаги тўкилмалар ва чиқинди уюмлари орқали филтрланиши, саноат қурилишларда ва хўжалик-маъиший сувларнинг жарлардаги очик ташланма участкаларда филтрлашиши, мой ўтказиш қувурларидан ва нефт сақловчилардан, тозалаш иншоотлардан сирқиб чиқишлар - ер ости сувларининг техноген ифлосланишларига йўл қўйяди.

Геологик ва муҳандислик-геологик жараёнлар ва ҳодисалар. Муҳандислик-геологик шароитларнинг техноген ўзгаришлари табиий бўлган геологик жараёнларни фаоллашишида ва техноген геологик жараёнларни вужудга келишида намоён бўлади. Худудларни грунт сувлари билан бостирилиши - тадқиқ этилаётган райондаги энг тарқалаган жараёндр. Ушбу район оралиқларида сув босиш даражаси бўйича тўртта типологик участкалар ажратилди: 1) грунт сувларини ётиш чуқурлиги (0-1 м) бўлган жуда кучли сув босиши; 2) кучли сув босиши (1-2 м); 3) мўътадил сув босиши (2-3 м); 4) сув босмаган (> 3 м).


Бухоро шаҳри ва унга қўшни худудларнинг тузилган техносферасини картографик моделларида табиий-техник геологик муҳитнинг динамиклиги ўз ифодасини топган: I) геологик муҳитини муҳандислик-хўжалик ўзлаштириш харитаси; II) геологик муҳитнинг чидамлилиқ харитаси; III) геологик муҳитнинг ифлосланиш харитаси; IV) геологик муҳитдаги ўзгаришлар харитаси (1-расм).

«Бухоро шаҳри худудини сейсмик баллигини ошишининг муҳандислик-геологик шароитга боғлилиги» номли тўртинчи бобда техногенез ривожланиши муносабати билан Бухоро шаҳри худудининг сейсмик жадалликларини ўсишга муҳандислик-геологик таркибий қисмларнинг таъсирини ўрганиши баён этилган. Сейсмик балликларнинг аҳамияти муҳандислик-геологик шароитларининг компонларига боғлиқ равишда турлича бўлади (С.В.Медведев бўйича грунтли шароит, Н.И. Кригер бўйича грунтли ва гидрогеологик шароитлар). Грунт сувлари ва сувга тўйинганлик чангсимон ва глинали грунтларга аҳамиятга молик даражада таъсир кўрсатади. Грунт сувларининг яқин ётишларида (1-3 м) ва грунтларнинг юқори сувга тўйинишларида уларнинг сейсмик балликлари асосан, намликнинг юқорилашиши билан боғлиқ ҳолда чидамлилигининг кескин йўқотилиши билан тушунтирилади.



1-расм. Бухоро ва унга яқин ҳудудларнинг геологик муҳитидаги ўзгаришларнинг чизма харитаси, масштаби 1:25 000. Геологик муҳитдаги ўзгариш даражаси: 1 – заиф; 2 – ўртача; 3 – кучли. Бошқа белгилар: 4 – геологик муҳитда хар хил ўзгарувчан даражадаги зоналарнинг чегаралари; 5 – минтақа ва жой кўрсаткичлари; 6 – темир йўл; 7 – саноат зоналари; 8 – шаҳарнинг мавжуд чегараси; 9 – каналлар, ариқлар, коллекторлар; 10 – меъморий обидалар.

Грунтларнинг турлари, литологик таркиблари, физик-механик хоссаларидан келиб чиқиб, Бухоро шаҳри ҳудудларида 7та муҳандислик-геологик қатламлар ажратилади: 1) тупроқ ўсимлик, қалинлиги 0,5-1 м; 2) техноген, қалинлиги 2-20 м; 3) лессимон суглинкалар ва супеслар, қалинлиги 12-34,3 м; 4) гилли, қалинлиги 0,5-4,2 м; 5) кумлар, қалинлиги 0,2-8,0 м; 6) гравий, галька (0,5-14 гача ва 60 м гача); 7) кумтошлар, алевролитлар, гравелитлар қадимги неоген тоғ жинслар (16,5 м) (2-расм). ΔJ ни ҳисоблашда эталон грунтларга $V_p = 600$ м/с, $\gamma = 1,8$ г/см³ ва ГСС – 3 м бўлган, 10 м қалинлигдаги суглинкали-супқумтошли грунтлар олинди. Сейсмик каттиқликни ҳисоблаш грунт сувлар сатҳига тузатиш киритган ҳолда Медведевнинг тенгламаси бўйича ўтказилди.



2-расм. Бухоро шаҳри айрим участкаларга геологик кесимини солиштириш схемаси. 1 – замонавий тупроқ қатлами; 2 – коплама ётқизиклар; 3 – соғтупроқлар, кумок тупроқлар; 4 – кумок тупроқлар билан қопланган соғтупроқлар, кум линзалар шаклида; 5 – кумлар; 6 – кум ва шагал билан қопланган кум; 7 – кумли агрегатли шагал тошлар; 8 – алевролит катламча ва линзалари билан кумтош; 9 – ер ости сувларининг чуқурлиги, м; 10 – шаҳарнинг турли участкалари: А – Бухоро ва унга яқин ҳудудлардаги умумий стратиграфик қесим; Б – эски шаҳар; В – шаҳарнинг жанубий қисми; Г – шаҳарнинг ғарбий қисми; Д – шаҳарнинг шимолий қисми; Е – шаҳарнинг марказий қисми; Ж – шаҳарнинг шарқий қисми.

Шу нарса аниқландики, Бухоро шаҳри ва унга тегишли бўлган ҳудудларда грунтнинг ҳар хил литологик турларида ва грунт сувларининг турли чуқурликларда жойлашувида ΔJ нинг қийматлари асосан ± 1 дан $+1,5$ баллгача оралиқларда ўзгаради. Грунт сувларининг сатҳи юқори бўлган плейстоценнинг (aQ_{III}) ва голоцен ёшидаги ($antQ_{III}$) техноген келиб чиқишдаги аллювиал, аллювиал-пролювиал лессимон субкумтошлар, суглинкали грунтларидан тузилган ҳудудлар учун ижобий бўлган ошишлар тавсифли. Сейсмик ошишнинг салбий қийматида ΔJ плейстоценнинг (apQ_{II}) аллювиал шагаллар ва неоген ёшидаги кумтошлар (N_2^3) эгадирлар.

Муҳандислик-геологик тадқиқотларни таҳлили ва фонд материаларга ишлов бериш, шунингдек Бухоро шаҳрининг янги истиқболли чегараларини инобатга олиб муҳандислик-геологик районлаштириш бажарилди ва унга харитаси тузилди. Бухоро шаҳрини тадқиқ этилган ҳудудлари оралиғида геоморфологик белгилар билан боғлиқ иккита муҳандислик-геологик области ажратилди: I-қўшилиб кетган чиқари-конуслари ҳудудлари; II-Зарафшон

дарёси ва қурук Қоракўлдарё водийсининг I, II, III қайир усти терассалари эгалланган худудлар. Ҳар бир областларнинг ораликларида литологик принцип бўйича муҳандислик-геологик районлар ажратилди: *A* гуруҳи райони, *B* гуруҳи райони, *B* гуруҳи райони ва *G* гуруҳи райони. Ҳар бир муҳандислик-геологик районларида гидрогеологик белгиларига кўра – яъни, грунт сувлари сатҳини ётиш чуқурлиги, грунтларни муҳандислик-геологик тавсифи, физик-геологик ва муҳандислик-геологик жараёнларни ва воқеаларни ривожланиши бўйича участкалар тоифаси ажратилди. Натижада, муҳандислик тайёргарлик талаб этмайдиган қулай участкалар, унча мураккаб бўлмаган, тайёргарлик талаб қилувчи камроқ қулай бўлган участкалар ва ташкил этувчи жинсларнинг рельефи, таркиби ва хоссаларига, ер ости сувларнинг ётиш чуқурликларига боғлиқ ҳолда махсус муҳандислик чоратадбирлар талаб қилинадиган – ноқулай участкалар ажратилди.

Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги худудларнинг муҳандислик-геологик шароитларини қонуниятли шаклланишларини тадқиқ этиш, ноҳуш жараёнларнинг ривожланиш механизминини сабаб-оқибат боғлиқликларини намоён этиш, ҳамда уларни турли йўналишлардаги объектларга келтирадиган зарарларини баҳолаш ишлари, асосан, табиатни асрашга оид таклиф ва чоратадбирларнинг асосий йўналишларини аниқлашга имкон беради.

Сув босиши. Горизонтал ва тик дренажлар ёрдамида бутун сув босган майдонларда грунт сувлари сатҳини 1 дан 2 м гача пасайтириш; сув хўжалик тармоқларига тегишли сувлар ва чиқинди сувларининг инфильтрацион ҳажмларини қисқартириш мақсадида, шаҳарнинг тарихий қисмида ер ости оқава тўрни қуриш; катта ҳажмдаги сув сарф қилинадиган 5 км ли канал ўзанларини бетон билан коплаш; мавжуд дренаж тўрининг самарадорлигини ошириш мақсадида ундан фойдаланиб, Бухоро шаҳри марказидаги замонавий айланма йўл бўйлаб горизонтал дренажнинг регионал айланма тизимини яратиш; грунт сувларининг сатҳини маҳаллий пасайтириш мақсадида шаҳарнинг мавжуд бўлган вертикал дренаж тўридан горизонтал дренаж тизимига қўшимча тадбир сифатида фойдаланиш.

Грунтларни ва грунт сувларини ифлосланиши. Хўл технологик цикллардаги корхоналарда ишлаб чиқаришнинг ёпиқ тизимини ташкил қилиш йўли билан ташланма сувлар ва саноат оқаваларидаги сирқиб чиқишларни бартараф этиш; тозалаш иншоотларини қуриш, сув ўтказиш тизимларда сувни сирқиб чиқишига қарши гидроизоляциялар; сув ажратиш ва коллекторлар тизими қурилмаси йўли билан суғориш сувлари ва саноат оқаваларининг очиқ ташланмаларини тартибга келтириш ва каналлаштириш.

Эол жараёнлар. Ҳаракатланувчи қумларни тўхтатиш учун агромелиоратив тадбирларни кенгайтириш; шамол билан элитиладиган қумли ва чангли заррачалар, тузларни тутиб қолиш учун шахҳарнинг айланма шоссе йўли бўйлаб кенглиги 50-100 м бўлган айлана ўрмон-ҳимояловчи белбоғ, ҳамда шаҳар олди зонасида мевали боғлар яратиш тавсия қилинади.

Табиий ва техноген тизимларнинг фаолияти натижасида халқ

хўжалигидаги йўқотишларни камайтириш мақсадларида Ўзбекистоннинг табиатни муҳофаза қилиш Давлат дастури доирасида ўтказиладиган атроф-муҳит мониторингининг ягона тизимини таркибий қисми бўлган литомониторинг тизимини ташкил этиш зарур. Ушбу тизим геологик муҳит ва унинг компонентларининг тараққий этиш динамикасини тезкор, маконда ва замонда режалаштирилган кузатишни, техноген таъсирида йўл қўйилкадиган даражасидан ошиб кетишида ёки нохуш оқибатлар содир бўлиши хавфида уни таҳрир этиш мақсадида диагнозлаш ва башоратли назоратлашни таъминлайди.

ХУЛОСА

Тадқиқотлар асосда қуйидаги натижалар олинди:

1. Намоён этилган техногенезнинг ривожланиш шароитида геологик муҳитнинг компонентларини ўзгариш хусусиятлари асосан, техносферани Бухоро шаҳрининг муҳандислик-геологик шароитлари билан ўзаро таъсири табиатини баҳолашга имкон берди. Натижада муҳитнинг муҳандислик-геологик ҳолатининг шаклланишини қонуниятли ўзгаришлари аниқланди. Ўрнатилган хусусиятлар муҳандислик-геологик шароитларининг ўхшаш қирқимларини аниқлашда тавсия этилади.

2. Шаҳар ҳудудларининг макондаги ва замондаги шароитларини белгиловчи бўлган грунтларнинг муҳандислик-геологик хусусиятларининг ўзгарувчанлик табиати баҳоланди. Натижада, ўзига хос хусусияти техногенез тараққийсининг юқори динамикаси саналган, ҳам қирқим бўйича ва ҳам планда грунт таркибини бир турда эмаслиги даражасининг сабаблари аниқланди. Шаҳар ҳудудларида грунтларнинг ўрганишни асосий хусусияти нафақат грунтларнинг ёшга оид ва генетик турлари орасидаги бирликни ажратиш, балки уларни мавжуд ва келажакдаги башоратланган ҳолатларини баҳолаган ҳолда, антропоген ётқизиклари билан нисбатларини аниқлашдан иборат. Грунтлар ҳолатидаги кўрсатиб ўтилган қонуниятли ўзгаришларини илгари ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг шаҳарлари ҳудудларидаги антропоген ётқизикларни таснифи асосига киритиш тавсия қилинади.

3. Бухоро шаҳри ва унга тегишли ҳудудлардаги техногенез жараёнининг ўзига хослигини ўрганиш нафақат муҳитнинг муҳандис геологик ҳолатини тақсимлаш хусусиятларини намоён этишга имкон берди, балки сейсмик балликни ошиши катталигини дефференциялашишини шартлаштириб қўйди. Кўрсатилдики, грунтларнинг петрографик таркиби, уларнинг тузилиши ва сувга тўйинганлик ҳолати сейсмик фаолликнинг ўзгаришини белгилайди ва муҳандислик-сейсмик геологик шароитларни тавсифловчи асосий омиллар ҳисобланади. Сейсмик хоссалари, ҳудудларнинг муҳандислик-сейсмологик турлаштириш ҳамда Бухоро шаҳри ва унга тегишли ҳудудларнинг сейсмик балликларини ошиши харитаси бўйича ишлаб чиқилган грунтларнинг таснифи сейсмик микрорайонлаштириш мақсадлари учун муҳандислик-геологик тадқиқотларнинг натижадор ташкил этувчиси сифатида тавсия қилинади.

4. Бошланғич маълумотларга геоахборот технологиялари ёрдамида ишлов бериш натижасида ўрганилаётган объект бўйича муҳитнинг муҳандислик-геологик ҳолатини миқдорий ва сифатий баҳосини тавсифловчи интеграллашган ахборот параметрлар ишлаб чиқилган. Кўрсатилган параметрлар бўйича Бухоро шаҳри ва унга қўшни ҳудудларнинг муҳандислик-геологик районлаштириш амалга оширилган, ҳамда у ташқи таъсирларга бардошлитлиги, ўзгариш даражаси ва муҳандислик лойиҳалари ва режаларга мувофиқлиги нуқтаи-назаридан муҳит сифатини баҳолаш учун асос бўлиб ҳисобланди. Районлаштириш “муҳит-ўзаро таъсир-реакция” тизимида типик бўлган вазиятларни намоён этишга ёрдам беради, ва у кейин башоратлаш модули сифатида тақдим этилиши мумкин. Ушбу модуллардан геологик муҳитда бўлиб ўтадиган жараёнларни бошқариш бўйича чоратадбирларни режалаштиришда фойдаланилади.

5. Шундай қилиб, GIS дастурлар муҳити ёрдамида қурилган муҳандислик-геологик шароитларнинг ва техносферанинг харитаграфик модели, шунингдек ҳисоб-китоблар лойиҳа тузувчи ва изланувчи ташкилотларда, Бухоро шаҳридаги объектларда муҳандислик ишларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш босқичларида, супқумли ва суглинкали грунтлардаги қурилишда ва фойдаланишда уларни сифатининг назоратлашни кучайтиришда; кейинчалик хавfli зоналарда бино ва иншоотларнинг барқарорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқишда, урбанлашган марказларда ва алоҳида иншоотларда (қадимий архитектура ёдгорликларида) химоя йўналишини асослашда ва бошқаларда фойдаланиш мумкин. Ишда шаҳар ҳудудларининг муҳандислик-геологик ҳолатлаи нафақат замонавий тадқиқот босқичида, балки техногенез тараққий этган шароитларда ҳам уни ўзгариш тенденцияси баҳоланган.

6. Ўрганилаётган тадқиқотнинг назарий ва услубий натижалари шаҳарларнинг муҳандислик-геологик йўналишининг ривожланишида муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. Кейинги тадқиқотлар асосан, геологик муҳит билан инсоний муносабатлар назариясини ишлаб чиқишга ва унинг антропоген ўзгаришларини башорат қилиш ва тартибга солиш учун шаҳарларнинг геологик муҳитни литомониторингни такомиллаштиришга йўналтирилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ
РЕСУРСОВ, ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ
ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ, ИНСТИТУТЕ
СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТАДЖИБАЕВА НОДИРА РУЗИЕВНА

**ЗАКОНОМЕРНОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ИНЖЕНЕРНО-
ГЕОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ ГОРОДСКИХ ТЕРРИТОРИЙ
ЗАПАДНОГО УЗБЕКИСТАНА (НА ПРИМЕРЕ Г. БУХАРЫ)**

04.00.04-Гидрогеология и инженерная геология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером №B2017.2.PhD/GM18

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.gpniimr.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный руководитель: | Шерматов Магбур доктор геолого-минералогических наук, профессор |
| Официальные оппоненты: | Иргашев Юлдашбай Иргашевич доктор геолого-минералогических наук, профессор Хабибуллаев Ибрахим Хабибуллаевич доктор технических наук, профессор |
| Ведущая организация: | ГУП «Узбекгидрогеология» |

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институте гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском Государственном техническом университете (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №__). (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 года.

М.М. Пирназаров
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

К.Р. Мингбоев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней к.г.-м.н.

К.Н. Абдуллабеков
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике в связи с неуклонным ростом населения городов, развития их инфраструктуры, с потребностями современного градостроительства является стратегически важным всестороннее исследование инженерно-геологических условий городских территорий. Исходя из этого, инженерно-геологические исследования, направленные на выявление особенностей закономерного формирования инженерно-геологических условий городских территорий, определены одним из очень значимых направлений.

В настоящее время в развитых странах мира ведется ряд научных исследований по выявлению закономерностей формирования инженерно-геологических условий городских территорий с применением нанотехнологий и новейших методов изучения. В частности, в таких странах, как США, Европа, Россия, Япония, Китай отдельно уделяется внимание общим принципам и методам определения региональных геологических факторов, закономерностям пространственной изменчивости показателей состава и свойств отложений в пределах типов грунтовых толщ на основе формационного, структурно-геологического и геолого-генетического анализов.

В Республике на основе проведенных исследований в инженерной геологии городов достигнуты определенные успехи. В частности, разработаны теории антропогенных изменений инженерно-геологических условий территорий городов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «предотвращению экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды, здоровью и генофонду населения»¹. В этом аспекте целесообразно проводить различные научно-исследовательские работы по выявлению закономерностей формирования инженерно-геологических условий городских территорий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента № ПП-3004 от 24 мая 2017 г. «О мерах по созданию единой геологической службы в системе Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам» и № ПП-3578 от 1 марта 2018 г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с требованиями приоритетных направлений развития науки и технологий республики VIII – «Науки о Земле» (геология, геофизика и переработка минерального сырья).

Степень изученности проблемы. Изучением изменений инженерно-геологических условий, а также формированием и развитием новой природно-технической системы занимались и продолжают заниматься многие ученые – инженер-геологи России и зарубежных стран: Kyoji Sassa, Mowen Xie, Tetsuro Esaki, I.E.Hackett, D.H.Radbruch, I.L.Knill, D.G.Price, R.K.Taylor, E.Fisher, R.L.Shorlock, P.T.Flawn, R.Legget, F.L.Harry, В.Ковальский, Х.Лозиньская-Стемпель, Я.Стохляков, Ф.В.Котлов, Т.И.Подгорная, Г.А.Голодковская, В.Г.Трофимов, О.П.Медведев, Г.Л.Кофф, Ю.О.Зеегофер, Г.С.Золотарев, Т.Ю.Пиотровская, Э.А.Лихачева и др. В Узбекистане особенности формирования инженерно-геологических условий городских территорий изучали: Г.А.Мавлянов, С.Ш.Мирзаев, А.И.Исламов, Я.С.Садыков, И.А.Петрухина, А.М.Худайбергенов, М.Ш.Шерматов и др.

